

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ ХУШНУД

“ЖАҲОН АДАБИЁТИ” (2009, 12-сон) ЖУРНАЛИДА ЭЪЛОН
ҚИЛИНГАН ”ҚАТАҒОН ЖАРАЁНЛАРИ ҲАҚИДА ТЎРТ КИТОБ”
ТАҚРИЗИНИНГ ТАҲЛИЛИ

мавзусидаги

Мутахассислик: 5A120301 - Ўзбекистон тарихи

КУРС ИШИ

Илмий раҳбар: Р.Шамсутдинов
Тарих фанлари доктори, профессор

Андижон – 2013 йил

РЕЖА

КИРИШ

1. Мустақиллик йилларида “Қатағон қурбонлари” хотирасини абадийлаштириш борасида амалга оширилган ишлар.
2. “Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган ”Қатағон жараёнлари ҳақида тўрт китоб” тақризининг мазмуни ва моҳияти.
3. “Қатта террор” ёки “Қулоқлар операцияси”нинг фожеалари хусусида.

ХУЛОСА

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

К И Р И Ш

Мустақиллик йилларида республикамызда туб ислохатларни ўтказиш жараёнида миллий тикланиш, маънавий янгиланиш ва миллий ўзликни англаш ва эркин тафаккурга эга бўлган жамият аъзоларини тарбиялаш каби улуғвор ишларда тарих фанинг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият - енгилмас

куч” номли асарида эл-юртимиз ўзининг кўп асрлик тарихи давомида кўплаб маъшум хатарларни бир неча бор кўргани, уларнинг жабру жафосини тортгани ҳақида тўхталиб мана бундай деб ёзган эди: "Шундай асоратлар туфайли тилимиз, динимиз ва маънавиятимиз бир пайтлар қандай хавф остида қолганини барчамиз яхши биламиз. Ана шу фожиали ўтмиш, босиб ўтган машаққатли йўлимиз барчамизга сабоқ бўлиши, бугунги воқеаликни теран таҳлил қилиб, мавжуд таҳдидларга нисбатан доимо огоҳ бўлиб яшашга даъват этиши лозим. Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ... Тарихий хотира туйғусини тўлақонли равишда тикланган халқ, босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан ҳолис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади. " ¹

Мустақилликнинг илк паллаларидаёқ таркиб топган тарихчи олимларимизнинг янги авлоди куч-ғайрати, илмий жасорати туфайли тарихимиздаги мавжуд «оқ доғлар» бартараф этила борди. Ўтмишда сохталаштирилган, зўрма-зўраки синфийлаштирилган, коммунистик мафкура тазйиқига олинган мавзулар янгича қараб чиқилди, янгича талқин этилди ва янги методология мавқеидан туриб ҳолисона таҳлил этилди. Ўтмиш тарихимиздаги муҳим муаммолар, ҳатто алоҳида бир даврларни ёритиш, талқин этиш, баҳо беришдаги жиддий нуқсон ва сохталаштиришлардан хориж бўлмай туриб, чинакам тарих фанининг янги тарихий шароитларда ривож топиши, гуллаб-яшнаши мумкин эмас.

Совет даври тарихини қандай тушунишни чуқур сезгирлик ва катта илмий масъулият билан аниқлаш сари катта қадам ташланди.

Ўзбекистоннинг совет режими давридаги тарихининг мислсиз аламли ва қайғули саҳифаларидан бири 20-30 йиллардаги қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва шу асосда қулоқлаштириш, қулоққа тортилган деҳқонларни сургун қилиш ва уларнинг сургундаги ҳаёти масалаларидир. Бу жараёнда халқимиз ўз бошидан мислсиз азоб-уқубатларни кечиришга маҳкум этилганди. Айниқса, қишлоқ аҳолисининг катта қисми уй-жойидан, ҳовлисидан, от-уловидан, миллий маконидан, яқинларидан, маҳалла-қуйидан, қавму-қариндошидан, бутун борлиғидан маҳрум қилиниб, қамокқа олинди, узоқ бегона юртларга сургун этилди.

Уларнинг бир қисми 1937-1938 йиллардаги “Катта террор” ёки “Қулоқлар операцияси”да, Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган. Жуда ҳам оз миқдорда омон-эсон қолганлардан эса машаққатли йўл ва муҳтожлик азобини тортиб юртга қайтган. Ўрта Осиёнинг ўзида ҳам кўплаб қишлоқ аҳолиси совет режимининг қурбони бўлиб, колхоз душманлари, собиқ қулоқлар, собиқ босмачилар, миллатчилар, халқ душманлари каби ҳақоратли номлар билан айбланиб, ҳалок бўлдилар.

Мустабид тузум даврида қатағони қурбони бўлган минглаб ватандошларнинг аянчли қисмати, миллат зиёлиларининг бошига тушган қора кунларни ёддан чиқармай, эркин ва фаровон кунларга эришишда ўз ҳиссасини қўшган инсонлар хотирасини эъзозлаш, уларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳаққоний маълумотларни ўрганиш вазибалари амалда бажарилмоқда.

Чиндан ҳам буюк истиқлол шарофати билан тарихимизга, жумладан 130 йилдан зиёд давом этган мустамлакачилик йилларидаги Ватан тарихини ҳолисона ўрганиш учун қулай шароитлар яратилди, советлар даврида таъқиқланган манбалар, турли архивларда сақланаётган муҳим ҳужжатлардан фойдаланиш ва шу асосда халқимизнинг ҳаққоний, чин тарихини яратиш имконияти туғилди.

1. Мустақиллик йилларида “Қатағон қурбонлари” хотирасини абадийлаштириш борасида амалга оширилган ишлар

Истиқлол йилларида миллий қадриятларни тиклаш, ноҳақ унутилган тарихий сиёмолар хотирасини эъзозлаш, азиз авлиёларимизнинг қадамжоларини мўътабар зиёратгоҳларга айлантириш, бир сўз билан айтганда, тарихий адолатни қарор топтириш борасида кенг

¹ Каримов Ислоҳ. “Юксак маънавият – енгилмас куч”, Тошкент, “Маънавият”, 2008, 4-5, Б.97

кўламли ишлар амалга оширилди.

Шўро ҳукумати коммунистик партия ақидаларига асосланган бўлиб, унда советлар таркибидаги миллатлар ўзлигидан, тарихий хотирасидан, миллий - маънавий қадриятларидан маҳрум этилиб, уларга давлат манфаатларига бўйсунитиш ва тарихий ҳақиқат бўлган деҳқонларга, қишлоқ аҳолисига қарши қўлланилган иқтисодий ва мафкуравий, руҳий, сиёсий қатағонлар даврини ўрганиш қатъиян ман қилиб қўйилган эди. Қолаверса, ушбу масалаларга оид архив ҳужжатларига “ўта махфий”лик тамғаси босилганди.

Мустақиллик туфайли, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1999 йил 12-майдаги Фармойиши ва у асосидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги “Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги, 2001 йил 1 майдаги “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида”ги Фармонлари¹ ватанимиз тарихидаги долзарб муаммони ўрганишга кенг йўл очди.

Ана шу 1 майдаги эълон қилинган Фармони давлатимиз раҳбари бошчилигида бу борада олиб борилаётган хайрли ишларнинг мантиқий давомидир.

Аввало шуни айтиш лозимки, - деб таъкидлайди давлатимиз раҳбари, - биз “қатағон қурбонлари” деган иборани қандайдир тор маънода тушунамиз. Бу ибора кўп ҳолларда 30 – йилларнинг иккинчи ярмида репрессия қилинган ижодкор зиёлиларга, айтайлик Чўлпон ва Фитрат, Абдулла Қодирий ва Усмон Носир сингари бир қатор адабиёт ва санъат намోёндаларига нисбатан қўлланилади. Бунинг замирида тарихий ҳақиқат мавжуд, албатта. Бу улуғ зотлар ўз даврида ноҳақ қатағон этилган. Уларнинг қанчадан-қанча орзу-ниятлари ушалмай қолган. Бу сиймоларнинг фожиали қисмати, сабот ва матонати, унутилмас хотираси халқимиз қалбида доимо сақланади, уларнинг ёди чексиз армон билан эсга олинади. Лекин, мен “қатағон қурбонлари” деган тушунча аслида кенгрок ва теранрок мазмунга эга, деб ўйлайман.¹

Ўзбекистонда қатағон қурбонлари хотирасини эъзозлаш борасида қилинган хайрли ишлар:¹

- 1991 йилнинг 25 сентябрида Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдурауф Фитратга ўлиmidан кейин Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти берилди.

- 1994 йили озодлик йўлида жонини фидо этган улуғ ёзувчи Абдулла Қодирийга мамлакатда биринчи бўлиб Ватаннинг юксак мукофоти – “Мустақиллик” ордени берилди.

- 1994-1995 йилларда кўп жилддан иборат “Хотира китоби” нашр этилди.

- 1996 йил 19 июнд Бухоро Файзулла хўжаев ҳайкали очилди.

- 1999 йил 9 майда Тошкент шаҳрининг марказида муаззам хотира майдони, пойига “Сен доимо қалбимдасан, жигарим” деган сўзлар битилган Мотамсаро она ҳайкали очилди.

- 1999 йилнинг 22 июлдаида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Тошкентнинг Юнусобод туманидаги Бўзсув қирғоғида мустамлакачилик адври қурбонлари хотираси мажмуини барпо этиш бошланди.

- 1999 йилнинг 21 августида “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси ташкил этилди.

- 2000 йилнинг 10 майида пойтахтнинг Юнусобод туманидаги Бўзсув соҳилларида бунёд этилган “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуининг очилиши маросими бўлиб ўтди.

- 2001 йилда Андижонда “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси тузилди.

- 2008 йилда “Қатағон қурбонлари хотираси” музейининг янги экспонатлар билан кенгайтирилган янги биноси очилди.

- 2005-2009 йилларда Андижон давлат университети, “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси, “Мерос” жамғармалари ҳамкорлигида, профессор Р.Т.Шамсутдинов

¹ Қаранг: // Халқ сўзи. 1999 йил 13 май; 23 июль.

¹ Халқ хотираси олдида бош эгамиз. Тошкент: Шарқ, 2001. 16- бет.

¹ Ўша манба, 123-125-бетлар.

рахбарлигида, бир гуруҳ олимлар ва шогирдлари ҳаммуаллифлигида 5 жилдли “Қатағон қурбонлари” (“Репрессия”) ҳужжатлар ва материаллар тўпламлари нашр қилинди ушбу китобларда 1937-1938 йилларда қатағон қилинган 10 мингдан ортиқ ўзбекистонлик ҳақида маълумотлар келтирилган.

• 2009 йилдан бошлаб вилоятлар бўйича “Қатағон қурбонлари хотира” китобларини яратиш ишига қўл урилди. Шу йили “Қатағон қурбонлари. Хотира (Бухоро вилояти)” номли илк хотира китоби нашр қилинди.

Ўйлаймизки бу борада қилинадиган ишлар ҳали кўп. Бу мавзуларда номзодлик, докторлик диссертациялари ёқланиши зарур, илмий ишлар давом этиши керак.

2. “Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган “Қатағон жараёнлари ҳақида тўрт китоб” тақризининг мазмуни ва моҳияти.

Р.Т.Шамсутдинов ҳамда бир гуруҳ олимлар томонидан яратилган ҳужжатлар ва материаллар тўпламлари¹ 1937-1938 йиллардаги қатағоннинг Ўзбекистондаги ҳолати, қатағоннинг келиб чиқиш сабаблари, моҳияти, фожиалари, қатағон қилинганларнинг номлари, миқдори каби маълумотлар ҳоонологик изчилликда ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори Қаҳрамон Ражабовнинг “Жаҳон адабиёти” журналининг 2008 йил 12 сонидида эълон қилган **“Қатағон жараёнлари ҳақида тўрт китоб”** номли тақризлар проф. Р.Т.Шамсутдинов ҳамда бир гуруҳ олимлар томонидан яратилган “Қатағон қурбонлари” (Репрессия) китобларининг мазмуни, илмий ва амалий аҳамияти ва бошқа жиҳатларини ёритишга бағишланган.

Ушбу мақоладаги 4 китоб ҳақидаги маълумотларни айнан келтиришни жоиз билдик:

Биринчи китоб (Репрессия. 1937-1938 гг. - Документы и материалы. Выпуск 1. Составители: Р.Шамсутдинов, Н.Каримов, Э.Юсупов. -Т.: Шарқ 2005.) кириш ва бешта қисмдан иборат бўлиб, китобдаги ҳужжатларни нашрга тайёрлаган олимларимиз Н.Каримов, Р.Шамсутдинов, Э.Юсупов китобга ёзган кириш сўзларида ушбу тўпламга киритилган материалларнинг мазмун мундарижаси ҳақида фикр юритишган. Китобга киритилган архив ҳужжатлари 1993-2000 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати архиви, Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати архиви, Ўзбекистон Рес-

¹ Репрессия 1937-38 годы. Документы и материалы. Выпуск 1. Сост: Шамсутдинов Р., Каримов Н., Юсупов Э. – Ташкент: Шарқ, 2005; Шамсутдинов Р.Т. Қатағон қурбонлари. Иккинчи китоб. - Тошкент: Шарқ, 2007; Репрессия 1937-38 гг. Документы и материалы. Выпуск 3. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, ноябрь. Сост: Шамсутдинов Р.Т., Юсупов Э, Мамажонов А, Дўсматов Э. - Ташкент: Шарқ, 2007; Репрессия 1937-38гг. Документы и материалы. Выпуск 4. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, декабрь. Сост: Шамсутдинов Р.Т., Абдуллаев М.Ғ, Дўсматов Э.П., Курбанов Х.Р. – Ташкент.: Шарқ, 2008. Қатағон қурбонлари. 1938 йил февраль, сентябрь. Бешинчи китоб. Тузувчилар: Шамсутдинов Р.Т., Қурбонов Х.Р., Расулов Ж.М., Эгамбердиев Ф., Бекиметов У. – Тошкент: Шарқ, 2009.

публикаси Марказий давлат архиви, Россия Федерацияси Федерал хизмат бюроси марказий архиви, Россиянинг ижтимоий-сиёсий тарихи давлат архиви, Андижон: Фарғона, шунингдек Украинадаги Херсон, Николаев вилоятларининг турли архивлари фондларидаги материаллардан олинган. Бундан ташқари Москвада чоп этилган баъзи тўпламлардаги айрим ҳужжатлар ҳам танлаб киритилган.

Китобнинг биринчи қисмидаги материаллар СССР ва Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги (НКВД) Марказий аппарати раҳбарияти хусусида бўлиб; унда наркомлар (халқ комиссарлари), уларнинг ўринбосарлари, -СССР НКВД коллегияси, СССР ва Ўзбекистон ССРдаги Давлат хавфсизлиги бошқармалари ва вилоят раҳбарлари ҳақида бўлиб, бу муҳим маълумотлар тадқиқотчилар учун ватанимизнинг мазкур давр тарихини ёритишда асқотади.

Китобнинг иккинчи қисмидан жой олган материалларда совет давлати репрессив (қатағон) сиёсатининг асосини ташкил қилувчи ҳужжатларга катта эътибор қаратилган. Совет давлати ва большевиклар партиясининг раҳбарлари томонидан 1937-1938 йилларда қабул қилинган турли қарорлар, кўрсатмалар, жойлардаги маҳаллий раҳбарларга юборилган турли телеграммалар ва хатлар ҳамда республика раҳбарларининг Марказга йўллаган кўплаб маълумотномалари, хисоботлари ва ахборотларида бу жараён очиқ берилган.

Китобнинг учинчи қисмидан жой олган ҳужжатларда репрессив органларнинг қўшимча ишлари, қатағон қилинган фуқароларнинг қамоққа олиниш жараёни, маҳбусларнинг анкетами, тергов протоколлари, айблов ҳулосаси, ҳукм қилинган маҳбусларнинг аризалари ва хайрлашув мактублари, уларнинг ўлими ва тирик қолганларнинг тутқунликдаги ҳаёти кўрсатилган бўлиб, ушбу архив материаллари бугунги кунда ҳам ўзининг кескин руҳи билан ўқувчи қалбини ларзага солади.

Китобнинг тўртинчи қисмидаги материалларда СССР Олий Судининг ҳарбий коллегияси суди, томонидан Ўзбекистон ССРда жавобгарликка тортилган масъул ходимлар (1 -категория бўйича - 155, 2-категория бўйича - 10, жами -165 киши) рўйхати ҳам да республикамыздан қатағон қилинган 220 нафар давлат, сиёсат ва жамоат арбобларининг қисқача таржимаи ҳоллари келтирилган.

Китобнинг охириги бешинчи бўлимидан эса ГУЛАГ (Лагерлар Бош бошқармаси) харитаси жой олган бўлиб, унда СССРда 1923-1961 йилларда мавжуд бўлган қамоқхоналар ҳолати тасвирланган. Тошкентда жойлашган Ўрта Осиё ахлоқ тузатиш меҳнат лагери (1930-1943 йилларда мавжуд бўлган) ҳақида ҳам ушбу бўлимда маълумотлар келтирилади.

"Қатағон қурбонлари" (Тошкент, Шарқ 2005) деб номланган ўзбек тилидаги **иккинчи китобда** 1937 йил 10 август - 5 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги ҳузуридаги учлик (тройка) йиғилишларининг протоколлари келтирилган. "Қатағон дахшатлари" деб номланган биринчи боб китобнинг ўзига хос сўз бошиси бўлиб, унда совет режими 1937-1939 йилларда республикамызда амалга оширилган Қатағон сиёсатининг бутун дахшатлари очиқ берилган.

Китобнинг асосий қисмини "Учликнинг мудҳиш ҳукмлари" деб номланган иккинчи боб ташкил қилади. Унда мудҳиш учлик ҳукми билан Қатағон қилинган 3083 нафар маҳбуслар ҳақида маълумотлар келтирилган. Маълумотлар ЎзССР НКВД ҳузуридаги Тройка (учлик)нинг 1937 йилнинг 10.20.29 августдаги, 8, 12, 13, 15, 24, 26, 29 сентябрдаги, 1, 14, 19, 25, 28 октябрдаги, 3, 5 ноябрдаги 1 -32-протоколларнинг баённомаларидан олинган. Баённомалар деярли ўзгартирилмаган ҳолда рус тилидан ўзбек тилига айнан таржима қилинган; Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республиканец Миллий хавфсизлиги хизмати архивидан олинган. Китобда келтирилган баённомалар ва ҳукм қарорларида маҳбусларга қўйилган айбларга нисбатан танқидий муносабатда бўлиш лозим. "халқ душмани", "миллатчи", "аксиланкилобчи", "босмачи", "жосус", "сотқин", "қулоқ", "буржуа малайи" каби турли ёрлиқлар ёпиштирилган бу ватандошларимизнинг аксарияти миллатнинг фидойи ўғлонлари, зиёлилари, давлат, жамоат, фан ва маданият арбоблари эдилар. Улар ўзбек халқи сиёсий элитасининг гуллари бўлган. Шу боис бу китобларда келтирилган ҳужжатлардаги қатағон қурбонларига қўйилган турли айб ва жиноятларнинг аксарияти НКВД ертулаларида

чекистлар томонидан тўқиб чиқарилган сохта айбномалардир. Дарвоқе, 1936-1938 йилларда Совет Иттифоқи, шунингдек, Ўзбекистон ССРда катта террорни амалга оширган қатағон органларининг раҳбарлари ва оддий ижрочиларнинг кўпчилиги, хатто мудхиш тройка аъзолари ҳам қатағон қурбони бўлган.

Ўзбекистон ССР бўйича учлик дастлаб 1937 йил ёзида Н.А.Загвоздин (Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссари), А.Икромов (Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1-котиби), Ж. Тўрабеков (Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раисининг ўринбосари) каби масъул шахслардан иборат қилиб тасдиқланган. Унинг йиғилишларида Ўзбекистон ССР прокурора Шейндлин, котиб сифатида, эса Ўзбекистон ССР НКВД Давлат хавфсизлик бошқармаси 8-бўлим бошлиғи лейтенант Яковлев иштирок этган. Кейинчалик Ўзбекистон ССРдаги учлик таркибига Н.Загвоздин (раис), У.Юсупов, Шейндлин (1937 йил 1 октябрдан), Д.З.Апресян (раис), У.Юсупов, С.Сегизбоев (1937 йил 13 ноябрдан) кирган.

Учлик ўз ишини тегишли НКВД ва унинг бошқарма ҳамда бўлимлари жойлашган пунктларда олиб борган ёки оператив секторлар жойлашган ерга бориб иш кўрган. Учлик унга тақдим этилган ҳар бир махбус ёки махбуслар гуруҳи шунингдек сургун қилинаётган ҳар бир оила тўғрисидаги материалларни кўриб чиққан.

Хукм ижро этилганлиги ҳақидаги учликнинг баённомалари зудлик билан СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Давлат хавфсизлиги Бош бошқармасининг 8-бўлимига юборилган. Унга биринчи форма бўйича ҳисоб карточкалари илова қилинган. Бу ҳақда "қатағон қурбонлари" китобида ҳужжатлар тили билан батафсил ҳикоя қилинган. ҳукм ижроси учлик раиси кўрсатмаси билан амалга оширилган. Хукмни ижро этиш учун учлик йиғилиши баённомасидаги қарор асос бўлган.

Биринчи тоифа бўйича ҳукмлар ижроси республика халқ комиссари, НКВД бошқармаси, бўлим бошлиғи кўрсатмаси билан вақти ва жойи яширин ҳолатда бажарилган, Хукмнинг ижроси ҳақидаги ҳужжатлар ҳар бир ҳукм этилганнинг тергов ишига алоҳида конвертда солиб қўйилган, Иккинчи тоифа бўйича ҳукм қилинганлар СССР НКВД Давлат лагерлар бошқармаси (ГУЛАГ) белгилаган нарядлар асосида амалга оширилган, .

"Репрессия. 1937-1938 гг" (Ташкент: Шарқ, 2007) деб номланган **учинчи китобдаги** ҳужжатлар ва материаллар 1937 йил ноябрь ойига тегишли бўлиб, унда Ўзбекистон ССР НКВД ҳузуридаги Тройка (учлик)нинг 33-37, 43-мажлисларининг протоколлари (баённомалари) мавжуд. Бу ҳужжатлар ҳам Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати архивидан олинган, Китобга киритилган атиги олти баённома матнидан шуни англаб олиш мумкинки, 1937 йил ноябр ойида Ўзбекистонда совет режимининг қатағон сиёсати ўзининг юқори чўққисига чиққан. Бир ой ичида минглаб бегуноҳ, ватандошларимиз қатағон қиличи тиғидан қурбон бўлишган. Китобга киритилган ҳужжатларда кўрсатилишича, қатағон қилиниб, ахлоқ тузатиш меҳнат лагерлари ва калонналарида қидириб жазосини ўтаётганлар жуда ҳам ёмон ҳолатда ва ачинарли аҳволда кун кечиришган. Уларнинг аксарияти турли касалликлардан, очлик ва ташналикдан, изғирин совуқдан, зулм ва қийноқлардан, тинка-мадорни қуритадиган оғир жисмоний меҳнатдан ўлиб кетишган, тирик қолганлари эса бир умр ногирон бўлиб қолган ГУЛАГ лагерларидаги махбуслар орасида ўлим ҳолати юқори даражада бўлган. Айниқса, 1937-1938 йилларда ва иккинчи жаҳон уруши даврида махбусларнинг ўлими кўп кайд этилган. Баъзи маълумотларга қараганда, 1937 йили ГУЛАГ лагерларида 908624 нафар махбус бўлиб, улардан 25375 нафари ўлиб кетган,

1938 йилда эса 1156781 нафар махбусдан 90546 нафари вафот этган. Улар орасида Ўзбекистонликлар ва ўзбеклар сони анча кўп бўлган.

Катта террор авжига чиққан 1937 йил 1 октябрдаги маълумотларга кўра, СССР Ички ишлар халқ Комиссарлиги лагерлари бўйича 20954 ўзбек махбуси бўлган. Уларнинг 2643 нафари Байкал-Амур лагерида, 1923 нафари Волга-Москва қурилиши (Дмитров лагери)да 155.4 нафари Углич-Рябинск қурилиши (Волга лагери)да 1673 нафари Оқ денгиз-Болтик лагерида, 687 нафари Коми АССРдаги Ухтим лагерида, 543 нафари Молдова АССРдаги Тем лагерида, 2247 нафари Владивосток лагерида, 643 нафари Новосибирск лагерида, 3029

нафари Тошкентдаги Ўрта Осиё лагерида қамоқ жазосини ўтаган. Маҳкумлар ўта оғир шароитларда тинимсиз равишда меҳнат қилиб, "коммунистик жамият" асосини кўрганлар. Шунингдек Ўзбекистонлик 3275 нафар ўзбек маҳбусларидан 854 нафари қараганда, 12 нафари Прорва, 23 нафари Норильск 1199 нафари Вя-емск 69 нафари Калуга, 250 нафари Сталин темир йул бекати, 96 нафари жануби-шарқий лагерлар, 47 нафари Подольск аэродроми, 70 нафари Самара, 655 нафари шимоли-шарқий лагерлардаги қамоқ хоналарда жазо ўтаганлар. "Репрессия" (3-китоб)да ана шундай маълумотлар келтирилади.

1939 йил 1 январга оид маълумотларга Қараганда, НКВД ахлоқ тузатиш меҳнат лагерларидаги тутқунлар орасида 23855 нафар ўзбеклар бўлган. Бу маҳбуслар аксар ҳолларда жосуслик террорчилик кўпоровчилик Ватанга хиёнат қилиш, троцкийчи-зиновьевчилик ва Ватан хоини оиласи аъзоси бўлишликда айбланганлар. Улар СССР ОГПУ-НКВД органлари, жумладан, НКВД махсус кенгаши ва тройкалари, Адлия халқ комиссарликлари коллегиялари томонидан ҳукм қилинганлар.

"Репрессия. 1937-1938 гг." (Ташкент, Шарқ 2008.) деб номланган **тўртинчи китобдаги** ҳужжатлар ва материаллар 1937 йил декабрь ойига оид бўлиб, унда катта террорнинг Ўзбекистондаги қурбонлари хусусида сўз боради. Ушбу тўпламдан ЎзССР НКВД ҳузуридаги Тройканинг 1937 йил 1-27 декабрдаги 44-65 мажлисларининг протоколлари ўрин олган бўлиб, бу ҳужжатлар ҳам Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати архивидан олинган. Хуллас, репрессия ҳақидаги ҳужжатлар киритилган тўртинчи китобдаги 22 та протоколда республикада маъмурий органлар томонидан фақат бир ой 1937 йил декабрда амалга оширилган мудҳиш хунрезликлар ўз аксини топган.

Фақат 1937 йил 12 декабрь кунининг ўзида Тройка (учлик) мажлисларида 525 та жиноий иш кўрилган. Саккиз кун мобайнида эса 3082 та жиноий иш устидан ҳукм ўқилган. 1937 йил декабрь ойида қатағон қилинганларнинг катта қисми Андижон ва Бухоро округлари хиссасига тўғри келади. Бу пайтда Андижон округида 51 нафар маҳбус отув жазосига ҳукм қилинган, 463 нафар маҳбус 10 йил муддатга озодликдан маҳкум қилинган, 108 нафар маҳбус эса 8 йил муддатга қамалган, бир нафар маҳбус қамокдан озод этилган бўлса, Бухоро округида 121 нафар маҳбус отув жазосига ҳукм қилинган, 242 нафар маҳбус 10 йил муддатга ва 48 нафар маҳбус 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. 1937 йил 10 декабрда бўлган ЎзССР НКВД Бухоро сектори тройкасининг йиғилишида (62-протокол) 170 нафар маҳбуснинг жиноий иши кўрилган. Уларнинг бир қисми отиб ташланган, қолганлари 8-10 йил муддатга қамоққа ҳукм қилинган.

Тўртинчи китоб охирига киритилган иловада 1937 йил декабрь ойида Ўзбекистон ССРда қатағон қилинган кишиларнинг миқдори, уларнинг миллий ва ижтимоий таркиби, республикада округлари, туманлари, шаҳарлари бўйича қатағон қилинганлар сони каби маълумотлар келтирилган. Бу плов қатағон даври тарихини ўрганувчи ёш тадқиқотчилар учун бебаҳо манба вазифасини ўтайди.

Албатта, қатағон мавзусидаги ушбу тўрт китобнинг таҳлили битта мақола доирасига сиғмайди.

Шундай қилиб, таникли тарихчи олим Рустамбек Шамсутдинов бошчилигида бир гуруҳ тадқиқотчилар томонидан катта меҳнат ва машаққатлар эвазига тайёрланган қатағон (репрессия) мавзусидаги чор китобдан иборат ушбу ҳужжатлар ва материаллар тўпламлари бугунги кунда катта тарбиявий аҳамият касб этади. Бу китобларда ўзбек халқининг совет ҳокимияти йилларида фақат биргина йил 1937 йил мобайнида чеккан азоб-уқубатлари, XX аср ўзбек кишлоғининг фожиаси, халқимизнинг мустабид тузум давридаги машаққатли ҳаёти ўзининг бус-бутун бўй-басти билан намоён бўлади.

Бу китоблар "совет даври ва коммунистик жамият ҳақидаги жаннат" аслида бир сафсатадан иборат қуруқ чўпчак бўлганлигини инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан исботлайди, мазкур тадқиқотларда акс этган қатағон жараёнлари ўзбек халқининг XX асрдаги дахшатли фожиаси сифатида тарих саҳифаларидан жой олган. Улар ҳақида хали кўп илмий ва бадиий асарлар, йирик тадқиқотлар яратилишига шубҳа йўқ. Табарруқ тўрт китоб ана шу эзгу йўлдаги муваффақиятли қадам сифатида кадрлидир.

3. “Катта террор” ёки “Қулоқлар операцияси”нинг фожеалари хусусида.

Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият-енгилмас куч" номли асарида эл-юртимиз ўзининг кўп асрлик тарихи давомида кўплаб машъум хатарларни неча бор кўргани, уларнинг жабру-жафосини тортгани ҳақида тўхталиб мана бундай деб ёзган: "Шундай асоратлар туфайли тилимиз, динимиз ва маънавиятимиз бир пайтлар қандай хавф остида қолганини барчамиз яхши биламиз. Ана шу фожиага йўлмиш, босиб ўтган машаққатли йўлимиз барчамизга сабоқ бўлиши, бугунги воқеаликни теран таҳлил қилиб, мавжуд таҳдидларга нисбатан доимо огоҳ бўлиб яшашига даъват этиши лозим. Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ... Тарихий хотира тўғрисида тўлақонли равишда тикланган халқ, босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиши ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан ҳолис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади."¹

Ўзбекистоннинг совет режими давридаги тарихини мислсиз аламли ва қайғули саҳифаларидан бири мудҳиш 1937-1938 йилларда "Катта террор", ёки "Қулоқлар операцияси" деб номланган советларнинг қатағон сиёсати даврида халқимиз, айниқса қишлоқ, аҳолисининг катта қисмини ҳақ-ҳуқуқлари, инсоний қадриятлари оёқ-ости қилиб, топталиб, қонунсизлик билан узоқ муддатларга қамок, жазосига тортилгани, отиб юборилгани, ГУЛАГ ва меҳнат тузатув лагерларида ҳалок бўлиб кетганидир.

Тарихимизнинг ана шу ҳасратли саҳифаларидан янги, ҳозиргача махфийлик тамғаси билан сир сақланиб келган ҳужжат ва материаллар асосида айрим лавҳаларни ушбу мақолада келтиришни жоиз билдик.

1937 йил 30 июлдаги СССР Ички ишлар халқ комиссари Николай Ежовнинг имзоси билан **“Собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа антисовет элементларини қатағон қилиш бўйича операция тўғрисида” № 00447-сонли** оператив мутлақо махфий тамға остидаги буйруқ қабул қилинди. Унда антисовет уюшмаларини тергов қилиш материалларида аввалида қатағон қилинган, қатағон бўлишдан яшириниб юрган, лагерлардан, сургунлардан ва меҳнат посёлкаларидан қочиб келган қулоқларнинг катта қисми қишлоқларда ўрнашиб қолгани қайд этилган. Шунингдек черковчилар, сектантлар, сиёсий партиялар, эсерлар, дашноқлар, муссаватчилар, иттиҳодчилар, бандитлар, қўзғолончиларнинг собиқ фаол иштирокчилари, оқ жазочилар, репатриантлар, турли хил жиноятчилар, рецидивист-ўғрилар, талончилар, жазони ўтаб қамокдан қочиб келиб, қатағон бўлишдан яшириниб юрганлар ҳам қишлоқ ва шаҳарларда уя қуриб олганликлари буйруқда таъкидланган.

Ушбулардан келиб чиқиб давлат хавфсизлиги органлари олдида ана шу антисовет элементлар бандасини ҳеч аямасдан тугатиш, меҳнаткашларни, совет халқини уларнинг аксилинқилобий ҳуружлардан ҳимоя қилиш ва уларни совет давлатининг асосига, негизига қарши қилган аблаҳона қўпурувчилигини таг-туғи билан абадул-абад йўқ қилиш зарурлиги ўша буйруқда кўрсатилган. Буйруқда операцияни 1937 йил 5 августдан бошлаб тўрт ой муддатда якунлаш кераклиги кўрсатилган. Ўрта Осиё республикаларида операция 1937 йил 10 августдан бошланадиган бўлган.

Буйруқ билан республикалар, ўлкалар ва вилоятлар, “учликлар” таркиби ҳам тасдиқланган. Ўзбекистон ССР “учлиги” республика Ички ишлар халқ комиссари Н.А.Загвоздин (раис), Ўзбекистон компартияси Марказий комитетининг биринчи котиби Акмал Икромов, Халқ комиссарлар совети раисининг ўринбосари Жўрабек Тўрабеков (аъзо)лардан иборат тасдиқланди. “Учлик” йиғилишларида Ўзбекистон ССР прокурори Шейндлин, котиб сифатида ЎзССР НКВД Давлат хавфсизлиги бошқармаси 8- бўлим бошлиғи лейтенант Яковлев иштирок этиши кўрсатилган.

Ўзбекистонда 1937 йил 10 августдан “Учлик”нинг йиғилишлари бошланган. Шу 10 августдан 1938 йил 1 январгача Ўзбекистон бўйича жами 10700 киши қамокқа олинган. Шундан 5924 киши собиқ “қулоқлар” 1679 киши жиноятчилар, 3097 киши “советларга

қарши унсурлар” сифатида қатағон қилинди. Улардан 3613 киши 1-тоифа бўйича отувга, 7087 киши 2-тоифа бўйича 8-10 йил муддат билан қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Ана шу катта миқдордаги қатағон қурбонларидан, яъни 10700 кишидан биз 8338 нафарини номма-ном аниқладик ва улар ҳақидаги асосий маълумотларни эълон қилдик. Улардан 2358 нафари отилгани, 5903 нафари 10-8 йил қамоқ жазосига тортилгани, 77 нафари озод этилгани маълум бўлди.

Репрессия машинасини тўхтатиш оғир кечди, репрессияни 4 ой муддатда тугатиш мумкин бўлмади, у 1938 йилда ҳам давом этди ва уч босқичда олиб борилди. Биринчи босқични 1938 йилнинг феврали билан белгилаш мумкин.

ВКП (б) Марказий комитети 1938 йил 31 январда “СССР НКВД нинг 1937 йил 30 июлдаги буйруғи бўйича репрессия қилиш учун қўшимча лимитларни тасдиқлаш тўғрисида” қарор қабул қилди. Уни Марказий Комитет Бош котиби И.Сталин имзолаб, вилоятлар, ўлкалар партия комитетларига, миллий компартиялар Марказий комитетларга йўллади. Қарор билан СССР НКВДсининг репрессия қилинадиган собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва фаол антисовет элементларни репрессия қилиш учун қўшимча лимит миқдори ҳам кўрсатилди.

1938 йилдаги репрессиянинг иккинчи босқичи ўша йилнинг сентябрига тўғри келади. ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси 1938 йил 15 сентябрда НКВД тўғрисидаги масала юзасидан қарор қабул қилади. СССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг 1937 йилдаги № 00485, № 00439 ҳамда 1938 йилдаги № 302 ва № 326 – сонли буйруқлари бўйича қамоққа олинган аксилинқилобий миллий контингентлар бўйича кўрилмай қолган тергов ишларини жойлардаги махсус учликларга бериш ҳақидаги таклифини маъқуллайди. Махсус учликлар областлар, ўлкалар ва миллий Компартиялар Марказий комитетлари биринчи котиблари, НКВД бошлиқлари ва прокурорлар таркибида тўзилиши кўрсатилади. Бу учликлар 1938 йил 1 августгача қамоққа олинганлар ишини кўриб чиқишлари ва бу ишни 2 ой муддатда тугаллашлари талаб қилинган.

1938 йил 1 августдан кейин қамоққа олинганлар миллий контингент шахсларнинг ишларини тегишли суд органларига кўриб чиқиш учун юбориладиган бўлган.

1938 йилдаги “Катта террор”, “Қулоқлар операцияси”нинг навбатдаги учинчи босқичи ўша йилнинг октябр-ноябрига тўғри келади. Бу даврда қатағон қилинганлар ишлари СССР Олий суди Ҳарбий коллегиялари йиғилишларида кўриб чиқилган.

“Катта террор”нинг якуни топиши 1938 йил ноябрь ойига тўғри келади. СССР ХКС ва ВКП(б) МК 1938 йил 15 ноябрда учликлар, ҳарбий трибуналлар, СССР Олий суди ҳарбий коллегияларига махсус буйруқ тартибида кўриб чиқиш учун юборилган ишларни кўриб чиқишни тўхтатиб қўйиш тўғрисида директива қабул қилади ва у барча тегишли мутасадди органларга юборилади. Унга мувофиқ ўша йилнинг 16 ноябридан бошлаб алоҳида, махсус фармойишгача барча ишларни қараб, кўриб чиқилмайдиган бўлди. Буни ижро этиш прокурорларга топширилади. Ижро ҳақида СССР НКВДсига ва СССР Прокурорига маълум қилиш топширилади.

1937-1938 йилларда партия раҳбарлигида НКВД органлари халқ душманларини тор-мор қилишда ва СССРни троцкийчилар, бухаринчилар, эсерлар, меньшевиклар, буржуа миллатчилари, оқ гвардиячилар, қочоқ қулоқлар ва жиноятчилардан чиққан, айниқса Япония, Германия, Польша, Англия ва Франция разведкаси учун жиддий таянч бўлган кўп сонли жосус, террорчи, диверсантлар ва зараркунанда ходимлардан тозалашда катта иш олиб борганлар.

СССР ХКС ва ВКП(б) МК барча НКВД ва прокуратура ходимлари диққатини маҳбус ва сўроққа тортилганларни тергов қилиш ва жазо бериш бўйича кўрсатилган камчиликларни кескин бартараф қилишга, бутун тергов ва прокурорнинг ишларини янгича ташкил қилишга қаратди. Айни вақтда НКВД ва прокуратурадаги барча ходимларни совет қонунларини ҳамда партия ва ҳукумат директиваларини биров бузгандек бўлсалар, уларнинг шахсиятига қарамай, оғир суд жавобгарлигига тортилиши мумкинлиги қўшма қарорда кўрсатиб ўтилди.

Ушбулардан маълумки, совет режими томонидан 1937 йил июлидан бошланган “Катта

террор” 1938 йилнинг ноябригача давом этган. Бу мудҳиш қатағон бутун собиқ Иттифок халқлари тарихига энг фожеали саҳифа бўлиб кирди. Улар бу фожеани ҳеч қачон, асло ўз қалблари ва хотираларидан чиқармайдилар. Бу фожеа тарихимизнинг энг оғир, қайғули, аламли, ҳасратли, мотамли саҳифасидир.

ХУЛОСА

Азалдан оммавий жазолаш ва қийноққа солиш чоралари мустабид тузумнинг халқни асоратда ушлаш, қўрқитиш, босим ўтказиш қуроли ҳисобланиб келган. Мустамлакачи давлатлар ўзлари босиб олган ўлкаларда халқнинг норозилиги ва миллий-озодлик ҳаракатларини бостириш учун ҳарбий, сиёсий, иқтисодий қатағонларни қўллаганлиги тарихдан маълум. Россия империяси Тўркистон минтақаси ҳудудининг катта қисмини босиб олгач, аввал подшо Россияси, сўнгра шўролар давлати томонидан 130 йил давомида ўзбек халқига нисбатан қатағон ва террорга асосланган мустамлакачилик сиёсатини мунтазам равишда олиб борган.

“Ўвузлик империяси” деб ҳисобланган СССРнинг мудҳиш қатағон сиёсати бу давлат таназулга юз тутиб, емирилган 1991 йил декабрь ойининг сўнгги кунларигача давом этди. Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 31 августда мустақилликка эришгач, мамлакатимизда истиқлолнинг 17 йили ичида XX асрда қатағон қилинган юртдошларимизнинг порлоқ, номларини тиклаш ва эъзозлаш учун катта ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда қатағон қилинган юртдошларимиз фа-олияти, уларнинг фожиали қисматини ёритувчи кўплаб тадқиқотлар яратилди. Бу тадқиқотларни яратишда бир қатор тарихчи, адабиётшунос, файласуф олимларимиз катта ҳисса қўйишди. Хусусан, бу соҳада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Андижон давлат университети профессори, машҳур тарихчи олим Рустамбек Шамсутдинов тадқиқотлари муҳим ўрин эгаллайди. Р.Шамсутдинов сўнгги 15 йилда яратган 20 дан ортиқ китобларида Ўзбекистон тарихининг ушбу фожиали саҳифаларини ёритган.

Қ.Ражабовнинг тўрт китоб ҳақида фикрларидан хулоса қилиш мумкинки, қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш ҳар бир давлатнинг, ҳар бир жамиятнинг, ҳар бир фуқаронинг чин инсонийлик бурчидир. Бу ишларнинг амалий натижаси ҳам хайрли, ҳам савоблидир.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида”.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори “Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”.
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Ўзбекистон, 2008.
6. Репрессия: 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск №1. Тузувчилар Шамсутдинов Р.Т., Каримов Н.Ф., Юсупов Э.Ю. отв. ред. Н.Ф.Каримов. – Т.: Шарқ, 2005, - 285 с.
7. Шамсутдинов Р. ва бошқалар. Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. –Т.: Шарқ, 2006.
8. Р.Т.Шамсутдинов, Б.Расулов. Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955гг. Документы и материалы. Том I-III. –Т.: Шарқ, 2006.
9. Шамсутдинов Р.Т. Катта террор айбдорлари ҳақида янгича талқинлар. - Андижон, 2007.

10. Шамсутдинов Рустамбек. Қатағон қурбонлари. (1937 йил 10 август-5ноябрь). Иккинчи китоб. –Т.: Шарқ, 2007.

11. “Репрессия” 1937-38гг. Документы и материалы. Выпуск 3. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, ноябрь. Тузувчилар Шамсутдинов Р.Т., Юсупов Э, Мамажонов А, Дўсматов Э. – Т.: Шарқ, 2007.

12. Репрессия 1937-38гг. Документы и материалы. Выпуск 4. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, декабрь. Тузувчилар: Шамсутдинов Р.Т., Абдуллаев М., Дўсматов Э.П., Курбанов Х.Р. –Т.: Шарқ, 2008.